



# HURRIYAT

O'zingni angla!

MUSTAQIL GAZETA

Yakshanba, 6-dekabr, 2009-yil • №50 (651) • 1996-yil dekabrden chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## БОШ ҚОМУСИМИЗ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган, халқ орасида чуқур илдизга эга бўлган мустақил, мустақкам, барқарор, ихчам турли-туман фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳам Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти билан демократик жамият қуришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.



4-бет

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ИНВЕТОР

Миллий банк томонидан банк қимматли қоғозлари бозорида илк мартаба жамғарма сертификатлари бўйича ютуқлар ўйналгани ушбу нашрнинг муҳим янгилиги бўлди. Бундай қимматли қоғозларни сотиб олган жисмоний шахслар сертификат сўндирилганида омонатнинг асосий суммаси ва қўшилган фойзаларни қайтариб олишларидан ташқари, қимматбаҳо совринлар ютиб олиш имконига ҳам эга бўладилар.



5-бет

## РАЙҲОН ИФОРИ

Шифокорлик тинимсиз ўқиш эвазига ўзлаштирилган касб. Дипломни олгандан кейин ҳам малака ошириб боришга тўғри келади. Ана шундай қизлар турмушга чиқишганида онажонлари, қайноналари образлироқ қилиб айтганда "бирга ўқишади".



8-бет

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҚКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли ва-тандошлар!

Хурматли дўстлар! Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган қутлуғ байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйган, эркин ва обод келажакимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни шу буюк айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз!

Муҳтарам юртдошлар! Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни 1992 йил 8 декабрь кунини моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий қисим қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустақкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб эканимиз, аввало

Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизда қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамини нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь кунини мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқаро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг кўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада

Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустақкам ҳуқуқий-меъриёр замин яратилди.

Охириги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгаришлар ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокининг кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та

ўрин ажратилди.

Энг муҳими, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч қимнинг, авваломбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашшига ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш қонунда қатъиян ман қилинган ва бунга қўл урган шахсларга нисбатан чора кўриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.

Ана шу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси, **авваломбор, сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.**

Бир сўз билан айтганда, шу юртда гурур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйламанки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиҳдий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.

Бўлғуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлсак, бу имтиҳон биринчи навбатда қуйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлишини ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим: **аввало**, бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демакдир;

(Давоми 2-, 3-бетларда.)



## Фарзандлар камолини ўйлаган юрт

**“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди. Юртбошимиз амалга оширилаётган ислохотлар, бетимсол бунёдкорлик ишларимиз асосида, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимиз моҳиятида, онгу шууригимиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги фаровонлик замирида Бош Қомусимизнинг қонун ва талаблари муҳасам эканини алоҳида таъкидлади.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати туфайли улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буни мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, кишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янгица қиёфа касб этаётганида яққол кўриш мумкин. Иқтисодийта ислох қилишнинг жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқи-

розга қарши чоралар дастурига мувофиқ амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодийта салбий таъсирини бартараф этиш, унинг мувозанатли ривожланиш ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этгани, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмагани фикримизни тасдиқлайди.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, кишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, кишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгариштириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингарини азгу мақсадлар муҳасамдир.

Маълумки, мамлакатимизда ҳар йилга муайян ном бериш хайрли аънамага айланган. Шу аънамага мувофиқ Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилишни тақдир қилди. Юртбошимизнинг бу тақдир қилишлари томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти билан юнланди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Оқсаройда 5 декабрь кунини Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Юртдошларимиз энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини ўзгача иштиқлиқ билан кутади. Иштиқлиқ шодиёналари ҳар бир хонадонга кириб боради, ҳар бир қалбга қувонч бағишлайди. Айниқса, аънамага мувофиқ Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари билан эл-юрт раънақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига улкан ҳисса қўшган юртдошларимизнинг юксак мукофотлар билан тақдирланиши миллий байрамимизга янада улугворлик бағишлайди.

Оқсаройда 5 декабрь кунини ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Бугун сиз, азизлар билан мана шу муҳташам залда кўришиб, барчангизга ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан бениҳоя хурсандман, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳар йили Конституция кунини арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизни кутлаш, уларга ана шу мукофотларни топшириш аънаванавий бир тантананага, олижаноб бир одатга айланиб бормоқда. Сиз, мамлакатимиз муко-

фотларига сазовор бўлган вакиллар билан мана шу муаззам саройда учрашар эканман, сизнинг тисолингизда мен ўзимни ба-мосоли бутун Ўзбекистон бўйича мукофотланган ватандошларимизни ҳам шу ерда қабул қилаётгандек ҳис этаман. Сиз, хурматли юртдошларимиз Ватанимиз мукофотларини топширишнинг ўзини учун катта шараф деб биламан, деди Президентимиз.

Ҳеч қимга сир эмас, якунига етаётган 2009 йил мамлакатимиз, юртимиз учун осон йил бўлмади. Бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон миқёсида давом этаётгани ҳақида, бу инқироз қандай оғир

муаммоларни туғдираётгани, ишсизлар сонини кўпаяётгани, иқтисодий ривожланиш суръатлари ва аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётгани ҳақида, ўйланманки, барчангиз баҳардорсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамизки, дунёдаги барча давлатлар ва халқларнинг бошига тушган бундай савдодан бизнинг мамлакатимиз ҳам четда қолаётгани йўқ.

Бу табиий бир ҳол. Нега деганда, бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қаторида дунё бозорининг ажралмас узвий бир қис-

мига айланмоқда, келажакда бу алоқалар бундан ҳам мустақкамланиб боради.

Айнан мана шундай оғир бир вазиятда мамлакатимиз иқтисодийта ривожига салбий таъсирни ўтказиб бораётган инқирозни юмшатиш ва бартараф этиш, лунда қилиб айтганда, тараққиётимиз суръатларини сақлаш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини янада ошириш вазифаларини нақадар мураккаб эканини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта.

Ўзбекистонимиз дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бундай натижалар ва юксак марраларга эришаётгани, жаҳон жамоатчилиги буни тан олаётгани барчамизга гурур ва

ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимизнинг, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликни хайратда қолдираётган марраларга чиқишга муносиб ҳисса қўшаётган турли соҳа ва тармоқларидан кўпгина мисоллар келтириш қийин эмас. Биргина кишлоқ ҳўжалиги соҳасини оладиган бўлсак, бу йил об-ҳавонинг ўта оғир келгани, баҳордаги узлуқсиз ёғингарчилик туфайли экин мавсумининг бир ой орқага сурилиб кетгани ва бошқа кўлаб қийинчиликлар деҳқон ва фермерларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Фермер ва деҳқонларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари эва-

(Давоми 3-бетда.)

## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Бошланғич 1-бетда.)

Иккинчидан, бу жараён юрти-мизнинг сиёсий ҳаётида кўппартия-вийлик тизимининг тобора мустаҳкамлаб бораётганини, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонида чиқиши ва сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб боришини аниқлади;

Учинчидан, қонун устуниги ва унинг барчага тенглигининг намоён бўлиб, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва ҳар қайси номзоднинг сиёсий қарашлари ва эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит тугдириб беришни билдиради;

Тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг савияси ва этиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит тугдириб беришни билдиради;

Бир ўйлаб кўрайлик, ана шундай мураккаб ва масъулиятли сиёсий синовдан ўтишга, бу сайлов жараёнини ривожланган демократик давлатларда амал қилаётган сайлов тизими даражасида ўтказишга биз қанчалик тайёрмиз?

Нафақат сайловни ташкил этишга бевосита масъул бўлган Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари, сиёсий партиялар фаоллари ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз, балки бугун овоз беришга тайёргарлик кўраётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир сайловчи бу саволни ўзига бериши албатта ўринли ва аниқ муддао бўлур эди.

Чунки, юқорида тилга олинган ва биз амалга оширишимиз зарур бўлган ўта муҳим омиллар демократик асосда ривожланиб бораётган ҳар қандай жамиятнинг етуқлик даражасини акс эттиради.

Бу талабларга амал қилиш — бу шунчаки бир мақсад эмас, авваламбор эркин ва озод яшаш, ҳар томонлама фаровон ҳаёт қуриш дастурининг ўзига ташкил қилиб, юксак тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи узвий қисми ва асосий йўли эканини, ўйлаётганимиз, ҳаммамиз тобора аниқлаб бормоқдамиз.

Айтиш керакики, биз бу йўлни қимғадир кўз-кўз қилиш, қимғадир олдида намойиш этиш учун танлаганимиз йўқ.

Бу йўл қандай оғир ва мураккаб бўлмасин, тақдор-тақдор айтаман, бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яна бир ҳақиқатни чуқур тушунамиз — биз кўзлагани марраларга эришиш, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўзимиз истаган, тараққиёт тоған давлатлар қаторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу борада энг асосий масала — амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, ҳалқро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига бепасанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда ҳали-бери учрайдиган гов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу ўткир ҳақиқатни аввало ўзимиз аниқлашимиз ва амалий ҳулосалар чиқаришимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда гоят муҳим ўрин тутади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган, мамлакатимиз ҳаётида, ҳақиқатан ҳам катта бир сиёсий воқеа бўлиши сайловларни муносиб ўтказиш мақсадида баъзи бир долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Биринчидан, Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақидаги қонунларга, шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан белгилаб берилган қоида ва нормаларга риоя қилиш, уларни сўзсиз бажариш барчамизнинг, ҳар қайси сайловчиларнинг асосий бурчи бўлишини хоҳлардим.

Айниқса, баъзи бир сайловчиларимизга майда ёки ортиқча бўлиб туоладиган, умумэтироф этилган сайлов қоидаларига мос келмайдиган айрим ҳолатлар бўйича кузатувчилар томонидан — булар ҳалқро ташкилотлар ёки ўзимизнинг ижтимоий-нодавлат таш-

килотлар вакиллари бўладими — билдириладиган эътирозларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор бериш, қандай расмиётчилик бўлиб кўринмасин, бу талабларни албатта бажо келтиришимиз керак.

Энг муҳими, четдан туриб сайлов жараёнига аралашмиш, уларга таъсир ўтказишга уриниш каби ноҳўя ҳаракатлар бутунлай ман этилишини барча сайлов иштирокчилари, ким бўлишдан қатъи назар, чуқур аниқла олишлари даркор.

Иккинчидан, яна бир бор айтиб ўтишга тўғри келади — қонун барчага тенг. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловдаги жараёнларда, матбуот, телевидение орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулоқот ва учрашувларда, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит тугдириб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва интилишларига бир кўз билан қараш, ҳеч кимни ажратмаслик, айтиш керакики, аниқ шу масалалар сайловни юксак савияда ўтказишда энг катта ва муҳим ўрин тутади.

Бу масалалар учун масъул бўлган ташкилотлар томонидан ҳеч қандай истисно ёки қимғадир алоҳида эътибор бериш ҳолатларига асло йўл қўйилмаслиги шарт.

Учинчидан, аслида сайлов дегани — бу аввало ўз ҳуқуқини аниқлаш ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир.

Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур аниқлаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қилади.

Нега деганда, ҳар бир фуқаро ўзи сайлайдиган номзод — у эртага маҳаллий кенгашларга ёки Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига аъзо бўладими — депутатлик мандатига эга бўлганидан сўнг унга билдирилган юксак ишончни оқлаш мақсадида мамлакатимиз, юртимиз равнақи учун, халқимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши учун қандай ҳисса қўшишини ҳар қайси сайловчи ўзига аниқ таъсир қилиши, яъни, овоз беришда адашмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун биз, ҳақиқатан ҳам, Ватанимизнинг эртанги кунини ҳал қиладиган, катта сиёсий жараён арафасида турибмиз.

Ўз олдимизга қўйган юксак мақсад-муддаоларимизга етишда, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим босқич бўладиган бу жараён юртимизда яшаётган барча-барча инсонларга бевосита дахлдор бўлиб, ҳеч ким ундан четда қолиши мумкин эмас.

Бугун мана шу залда ўтирган сиз, азизларнинг юзларингизга қараб, сизларнинг тусолингизда бутун халқимизни ўзимга тасаввур қилиб айтмоқчиман: биз навбатдаги сайловни муносиб даражада ўтказиб, ҳалқро майдонда ўзимизнинг сиёсий етуқлигимизни яна бир бор намойён этишга албатта қодиримиз. Чунки бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас — таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқарашини, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда ўз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан гурур ва ифтихор, келажакка ишонч кундан-кунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Ишонч қимлик, кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан ёндашадиган халқимиз бу сиёсий жараённинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини чуқур аниқлаш ҳолда, сайловда аввало фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бундан бир йил муқаддам сизлар билан маслаҳатлашиб, 2009 йилга юртимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб ном берган эдик. Ва шу асосда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала, яъни қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросано-

ат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида маҳсус давлат дастури қабул қилганимиздан ҳам хабарингиз бор.

“Қишлоқ тараққиёти топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади” деган гояни ўзида мужассам этган бу дастурнинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгилаб, унинг ихроси қатъий назоратга олинди.

Мен ушбу дастурнинг ўта кенг қамровли миқёсини инobatта олган ҳолда, фақатгина уни амалга ошириш йўлида қўйилган биринчи қадамлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база-ни тақомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш гоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлаётганимиз, янгишмаган бўламан.

Шу мақсадда 2009 йил январь ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини тақомиллаштириш, “Қишлоқ-қурилишлойиҳа” институтини ташкил этиш бўйича қарорлари қабул қилинди.

Айтиш керакики, маъзур институт томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бу ишга республикамиздаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, яқна тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Маъзур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тайёргарлик ва қурилиш ишларини бажариш мақсадида ташкил этилган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси бугунги кунда марказда ва жойларда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойда пойтахтимиздаги “Экспомарказ”да бўлиб ўтган ва ҳозирги вақтда вилоят марказларида ўтказилаётган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилган ва халқимиз томонидан катта қизиқчи билан кутиб олинмоқда.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағларни жалб этиш мақсадида алоҳида қарор билан “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банки ташкил этилиб, аниқ пайтда кўпчилик миқдорда унинг хизматидан фойдаланмоқда.

Шуни айтиш керакики, қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун жорий йилнинг ўзида маъзур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Келгуси йилда эса ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сўмдан зиёда давлат томонидан бериладиган маблағдир.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун ҳозирга қадар мамлакатимизда 670 та иختисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, қишлоқ ҳудудларида эксперимент тариқасида 840 та яқна тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда ва уларни 2010 йилнинг март-апрель ойлари-

да фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу уйлар аввало ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни амалда синаш, эрта-ш у уйларда яшайдиган одамларнинг тақлиф ва истақларини ҳар томонлама ўрганиш ва бажо келтириш учун тегишли ҳулосалар чиқариш имконини беради.

Бу қурилишларда ана шу уй-жойларнинг бўлгуси эгалари ҳам ўз маблағлари билан иштирок этмоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

Айни шу ҳолат, яъни, бу уйлар учун сарфланган маблағни бирдангина эмас, балки 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби халқимизга катта имтиёз ва энгилликлар беради.

Бу борадаги ишларимиз 2010 йилда янада кенг кўлама давом эттирилиб, мамлакатимизнинг 159 та, яъни барча қишлоқ туманларида 7 миң 630 та янги уй-жой барпо этилади. Насиб этса, уларни келгуси йилнинг август-сентябрь ойларида ўз эгаларига топширамиз, албатта.

Алоҳида диққатга сазовор томони шундаки, бу борадаги режаларимизда нафақатгина ишлаб бериш, балки пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва музика мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий турар-жой маззеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Ўтган давр мубайнида бу йўналишда энг муҳим масалалардан бири бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам анча ишлар қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, авваломбор қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йўлма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилга 81 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди.

Таъкидлаш керакики, янгитдан барпо этилган бу корхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, гишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар тугдириб берилмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлиши қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфлангани, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида кўплаб янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланганини айтиш лозим.

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуқсиз ва қафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узулғи 2 миң 700 километрдан зиёда электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ ҳўжалиги иқтисодийетини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлардан, ўйлаётганимиз, барчангиз хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастури доирасида ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер унмдорлигини ошириш, унинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилганини хусусида тўхта-

лишимиз табиий, албатта.

Шулар қаторида 81 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 10 миң километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узулғидаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди.

Бу рақамлар ортида қандай ўта оғир ва машаққатли меҳнат ётгани, уларнинг замирида юз миңлаб деҳқон ва механизаторларимизнинг фидокорона хизмати борлигини, энг муҳими, ана шундай меҳнатлар эвазига ҳосилимизга қўшимча яна қанча ҳосил қўшилаётганини инобатта оладиган, буларнинг барчасини ўзимизга тасаввур этадиган бўлсак, тақдор айтаман, бундай гоят оғир ишни бажарган меҳнатчиларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шуни миннатдорлик билан таъкидлаш керакики, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритганда, қишлоқ жойларда тобора ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати хусусида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқларимизда анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, яъни мобил телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишини ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланимоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичининг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу рақам тез суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам шундан далolat беради.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида янги технологиялар асосида коммунал хизматлар учун экспресс тўловларни қабул қиладиган 3 миңга шохобча ташкил этилди.

Айниқса, жорий йилда 4 миң 200 та қишлоқ мактаби, тақдор айтаман, фақатгина қишлоқда жойлашган мактаблар интернет тармоғига улангани бу соҳада амалга оширган жиддий ишларимиз қаторига кирди.

Азиз дўстлар, ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги кунда айнан мана шундай коммуникация хизматларида фойдаланиб, энг олис қишлоқда яшаётган одамлар ҳам — у фермер ёки тадбиркор бўладими, ҳунарманд ёки ўқитувчи бўладими — дунёнинг исталган чеккаси билан боғланиш, мулоқот қилиш, турли хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишини бундан беш-олти йил олдин фараз қилиш мумкинми?

Энг асосийси, бундай хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, аниқ пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган миңлаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг мана шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратибгани, ўзингиз айтинг, бугун уяли-ўсиб, ҳаётга қираётган ёшларимизнинг келажакини, истиқболини белгилаб бермайдими?

Биргина жорий йилнинг ўзида фақат қишлоқ жойларда 460 миңга, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 миңга янги иш ўрни очилиб, уларда асосан ана шундай ўғил-қизларимиз фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, энг ўткир ва долзарб яна бир масаланинг ечимини тўғрисида доимо ўйлашимиз табиийдир. У ҳам бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг табиий маданиятини

ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу борада ҳам анча ишлар қилинди.

Мисол тариқасида барча қишлоқ туманларининг марказий шифоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та “Уаз” санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорда тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганини айтиш ўринли бўлади.

Энг муҳими, йил давомида 3 миллион 750 миң нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўриқдан, 22 миң нафардан зиёд ҳомилдор аёл маҳсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 миң нафар бемор шифохоналарда даво-ланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаганини қайд этиш керак.

Қадрли дўстлар! Ижозатингиз билан, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастуридан ўрин олган яна бир устувор йўналиш ҳақида атраққат тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, гурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Бу дастурлар доирасида юртимизда миң-миңлаб лицей ва коллежлар; мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, бекиёб мақсадларни кўзда тутишини камданкам одам ўзинга тасаввур қиларди.

Бугун маънавият билан таъкидлаш керакики, биз қандай қийин ва оғир бўлмасин, бу дастурларни қатъий билан амалга ошириб, бундай билим масканларини нафақат шаҳарларимизда, балки олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида бунёд этишга эришдик.

Бунинг натижасида барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларига қариб таълим олишига муносиб шароит тугдириб бериш учун ана шу иккита дастур қандай мустаҳкам замин яратганини бугун вақт ўтиб, барчамиз тушуниб етмоқдамиз.

Ўтган давр мубайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 миңдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 миң нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн-беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди?

## ЖАРАЁН

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Бошланғич 1-2-бетларда.)

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани, айтиш керакки, мамлакатимиз тарихида илгари ҳеч қачон қўрилмаган ҳодисадир.

Мухтарам дўстлар, мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва деҳқонлар билан учраганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, пахта, галла ҳақида гаплашамиз, булар албатта керак. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, бундай мулоқотларда ёшун қари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида тўхталиб, гапни авваламбор шундан бошлайдим.

Мен юртдошларимизнинг бундай тўқнаб қувониб гапиришини табиий деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, бахту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтганда бўлса, келажагимизнинг мустаҳкам пойдевориغا айлиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиқаришимиз ва амалга оширишимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намойён этмоқда.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, жорий йилда ўзининг амалий йўлини бошлаган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастури ҳам теран маъно-мазмуну ва мақсадларига кўра юзорида тилга олинган дастурлар билан ҳамбарчас ва узвий боғлиқ кетганини таъкидлаш лозим.

Энг муҳими, бу дастурлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирига замин тугдириб бераётган, бир-бирининг мантқиқий давоми бўлиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига беқисс ҳисса қўшаётган ҳужжатлар, десак, аниқлашган бўлармик.

Шу маънода, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бугун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши мумкин.

Бунинг тасдиғи ва исботи сифатида — шунга алоҳида эътибор бериш зарур — фақатгина шу йилнинг ўзида бу дастурни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсдан далolat беради.

Ишонаманки, кириб келаётган 2010 йилда бу мақсадларга сарфланган маблағлар ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай улғу, қисси ва ўлчови бўлмаган олижаноб ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга,

фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлатлар ва жамғармалар, халқроқ тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчи ва вакилларига, шу йилда ҳолис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошлар! Энди, сиз, азизлар билан кириб келаётган янги 2010 йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар ҳусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аниқ белгилаб оلسак, айни мудоаа бўларди.

Шу ҳақда ўйлаганда, биз биринчи навбатда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни кўзлаб ном беришимиз яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини кўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз.

Ўйлайманки, агар бу масаланинг туб моҳиятини, халқимизнинг орузниятларига ҳамоҳанг бўлган аҳамиятини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, унинг нақадар муҳим ва шу билан бирга, нақадар мураккаб экани аён бўлади.

Бу масала устида жуда кўп ўйлаб, фикрлашиб, кўпчиликнинг тақдир ва мулоҳазаларини инобатга олиб, мен кириб келаётган 2010 йилга юртимизда “Баркамол авлод йили” деб ном беришни тақлиф этмоқчиман.

Янги йилга айнан шундай ном беришимиз сабабларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас.

Аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон нимаки ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилимлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизидан нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиغان авлодини тарбиялаш орузи туради, деб жавоб беришимиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмуну шунда эмасми?

Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодига бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашимиз энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта.

Келинлар, шу масала устида атрофичилар бир фикр юритиб кўрайлик.

Агар биз ўз вақтида узоқни кўзлаб эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-хунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган

молиявий-иктисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш сурьатларини таъминлашга, айни шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармик?

Йўқ, албатта.

Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривож йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган кудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида қўйишимиз даркор.

Албатта, ўтган йиллар тажрибасини инобатга олган ҳолда, биз 2010 йилга “Баркамол авлод йили” деб ном беришимиз муносабати билан махсус давлат дастурини тайёрлашимиз ва унинг ижросини таъминлашимиз зарур.

Бу дастурни ишлаб чиқишда манфаатдор идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутахассислар, қисқача айтганда, кенг жамоатчилигимиз жалб қилиниши табиий, албатта.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, бу дастур ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора-тадбирлар қаторида энг муҳим масалалар ва вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишни хоиз, деб биламан.

Энг аввало, бу борада мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани таққидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиладиган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиш катта аҳамиятга эга.

Табиийки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом насли тушунамиз. Шу борада ўтган йиллар давомида “Соғлом она — соғлом бола” фойсани ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги турғуналар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, оналар ва болалар саломатлигини хомиялаш мақсадида марказда ва жойларда анча ишлар қилинганидан барчамиз хабардормиз.

Бу ишларни эътироф этган ҳолда, турли хил сабаблар туфайли инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш, медицина хизмати-нинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу соҳага пос-сон бўлган шифокорларнинг меҳнати рағбатлантириш бўйича бугун олдимизда янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз.

Ана шундай кенг қамровли

вазифаларни ҳисобга олиб, биз 2010 йилда давлат бюджетига солиқни сақлаш соҳасидаги харажатларимизни 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгилаб, яъни, бу йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроги мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман.

Шулар қаторида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурларини ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишларини бугунги кун талаблари нуктаи назардан қайта кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни қомил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва довлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор.

Тақдор айтишга тўғри келади — таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илгор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юр-тирлари, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин тугдиришининг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Қабул қилинадиган дастурда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошланган катта ишларимизни ҳеч сусайтирмадиган давом этириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт ус-тузалари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши керак.

Айни пайтда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юр-тирларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муно-сиб ўрнини топиши даркор.

Бу борада шунинг эътиборга олишимиз керакки, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантиришдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини ўзимизга тасаввур қила оламиймиз.

Нега деганда, меҳнат фаолиятининг айнан шу йўналиши бугунги кунда аҳолимизнинг катта қисми

учун нафақат асосий даромад манбаи, балки дунёнинг барча ривожланган давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган ўрта синф бўлиб мулкдорлар синфининг муҳим таркибий қисми, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва сунъичи ҳисобланади.

Шундай ўта муҳим омилларни инобатга олган ҳолда, қабул қилинадиган дастурда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси олдида ҳали-бери мавжуд бўлган муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бар-тараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда, аввало, қишлоқ жойларда бу соҳага ёшларни жалб этиш учун етарли шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласи катта ўрин эгаллаши зарурлигини ҳаммамиз, биринчи навбатда маҳаллий раҳбарлар яхши англаб олишимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим масалага диққатингизни қаратишни лозим деб биламан. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда тараққиёт ҳақида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, албатта.

Биз мамлакатимизнинг кела-жигини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илгор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юр-тирлари таркибиде янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамақаллардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига эришишимиз керак.

Бу масалани ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири сифатида қўришни бугун замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш кўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш эзгу оруз-ниятларимизга жавоб берадиган бир иш бўлиб эди.

Ўйлайманки, бу фикрни мана шу залда ўтирганлар қўллаб-қувватлайди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳими, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўйини бўлиши оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак дастурнинг узвий қисми сифатида қўришимиз зарур.

Халқимизда “Кўш ўз уясида кўрганини қилади”, деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва хурматли ша-роитида чуқур илдиэ отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Бундан хулоса шуки, соғлом ва

мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хур-ружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган гаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва оғоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳхандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Бу масалалар дастурда албатта ўз ифодасини топиши зарур.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка инти-лиш ҳар қайси миллат ва давлат учун қундалик ҳаёт мазмунига айланмас — бундай давлат ҳақон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мумкин.

Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унинг-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.

Бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодий тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни ҳақон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Бунинг боиси — аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдиға қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидандир.

Бунинг боиси — биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озода ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиш, иншоолло.

Шу юксак манбардан туриб, мана шу мухтасам залда ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тим-солинғида бутун халқимизга яна бир бор чуқур хурмат ва эътиромимини, энг эзгу тийлақларимни билдиришдан бахтиёрман.

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Бошланғич 1-бетда.)

Айнан ана шундай ҳаммамизни қувонтирадиган юксак марралар ҳақида гапирганда, буларнинг барчаси кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган халқимизнинг фидо-корона меҳнати, мустаҳкам иродаси, ўз эри, ўз Ватанига бўлган меҳри ва садоқати туфайли қўлга киритилганини гурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз, ўйлайманки, барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Шу борада бир фикр, бир ҳақиқатга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Барчамизга аёнки, ҳар қайси жамоада — бу ишлаб чиқариш корхонаси ёки фермер хўжалиги бўладими, ижод ёки маданият муассасаси, тиббиёт ёки таълим маскани, ҳарбий қисми ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўладими — буларнинг барчасида ўзининг меҳнати, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, олижаноб инсоний фазилатлари ва аломатлари билан бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатадиган фидойий инсонлар, етакчиларнинг роли, аҳамияти ва таъсири беқиссдир. Айни шунинг учун халқи-

миз буларни юксак қадрлайди ва эъзозлайди.

Мен бугун мана шу дав-рада ўтирган сиз, азизларни — эл-юртимиз ол-димиздаги муносиб хизмат-лари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига са-зорвор бўлган мухтарам юртдошларимизни ана шундай инсонлар қатори-да кўраман ва барчангиз-ни бағримга босиб, чин қалбимдан яна бир бор табриклашни ўзим учун катта бахт деб биламан, деди Юртбошимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда ана шундай юксак мукофот-

ларни қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг яқин қадрдонларим син-гари гойибона бағримга босиб, “Умрингиздан бара-рака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!” деб самимий та-бриклайман.

Мамлакатимиз раҳба-ри давлат мукофотлари-ни тантанали равишда топширди.

Менинг ниятим, менинг тилагим — кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар ҳаммангизга буюрсин, ҳаёт йўларингизда сиз-ларга куч-гайрат ва ши-

жорат бахш этсин, — деди Президентимиз Ислам Каримов. — Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишла-рингизга ривож, хонадон-ларингизга файзу бара-ка тилайман.

Тақдирланганлар номи-дан сўзга чиққан Ўзбеки-стон Қаҳрамони, “Ўзбеки-стон металлургия комбинати” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси-нинг пўлат эритиш цехи эритувчиси Алим Тўйчи-ев, II даражали Давлат мукофоти совриндори, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий уни-верситети профессори Виталий Троицкий, “Эл-юрт хурмати” ордени сов-риндорлари, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Фар-ғона вилояти бўлими масъул котиби Эноҳон Сиддикова, Бердақ номи-даги Қорақалпоқ Давлат музика театри директори Нажматдин Ансатбо-ев, Пахтакор туманидаги “Анвар-А” фермер хўжа-лиги раҳбари Анорбўй Эшматов, Ўзбекистон Рес-публикасида хизмат кўрсатган артистлар, Рес-публика музика коллежи ўқитувчиси, эстрада хо-нандаси Зоя Цой, “Ўзбек-наво” эстрада бирлашма-си хонандаси Сардор Ра-химхон, “Меҳнат шухрати”

ордени соҳиби, Ўзбек Миллий академик драма театри актери Маҳмуд Исмоилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган солиқни сақ-лаш ходими, Тошкент Тиббиёт академияси про-ректори Дилбар Нажмид-динова, Ўзбекистон Рес-публикаси фан арбоби, Алишер Навоий номида-ги Самарқанд давлат уни-верситети ректори Темир Ширинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходи-ми, В.Успенский номида-ги республика махсус му-сика академик лицейи директори Дилдора Жа-молова, “Фидококона хизматлари учун” ордени соҳибаси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳи-мова ушбу мукофотлар бундан буюн Ватан ра-ванки, халқ фаровонлиги йўлидаги фидококона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга унда-шини, янгидан-янги мар-раларни эгаллашга ил-ҳомлантиришини таъкид-ладилар, юксак эътибори учун давлатимиз раҳба-рига самимий миннат-дорлик билдирдилар.

(УзА)

# БОШ ҚОМУСИМИЗ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Маълумки, 1992 йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди, шу йилнинг ўзида жамият ва давлат қурилишининг барча жиҳатларини қамраб олган Асосий ҳужжат — Конституция қабул қилинди. Бош Қомусимиз қондалари асосида мамлакатимизни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўзига хос модели ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил жорий этила бошланди.

**П**резиденти мизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишида халқимизнинг бу борада қўлга киритган тарихий ютуқларининг омиллари алоҳида эътибор қаратилади. Аввало, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда янги жамият қуриши ва уни ривожлантиришнинг дунёвий йўли, демократия ва эркинликнинг халқаро тамойиллари ҳамда халқимизнинг тарихий, миллий ва маънавий қадриятларига асосланади. Шу билан бирга, у демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, туб ислохотларни тадрижий амалга ошириш йўлининг ҳуқуқий таянчи ҳамдир.

Айнан шу йўлдан борилиши юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ўсишнинг жадал суръатини сақлаб қолиш ва кенг қўламли бунёдкорлик фаолиятини изчил амалга оширишга имкон яратди. Тараққиётнинг ушбу модели бугунги кунга келиб нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофига қўра ўзини тўла оқламоқда. Бу айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги даврда янада яққол намён бўлмоқда.

## Бунёдкорликнинг икки босқичи

Маълумки, янги жамият ўз-ўзидан барпо бўлмайди, балки бу муайян вақт талаб этадиган узлуқсиз жараён. Унинг муваффақияти, аввало, давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар, фуқаролар онги ва фикрлаш тарзининг ўзгариш

тик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки энг муҳим шарти этиб белгиланди. Шундай қилиб, бу даврда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг зарурий кафолатларини таъминловчи демократик тамойилларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича асосий вазифалар ҳал қилинди. Жамият қурилишининг ушбу даври давлатнинг фаол ислохотчилик ролини, асосий ваколатларни унинг қўлида жамлашни тақозо этди. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни бораётган ўтиш даврида аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифодаловчи бўлган эркин сайловлар, кўппартиявийлик тизими ва бошқа жамоат ташкилотлари сингари демократик институтларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этди.

**Иккинчи босқич:** 2001 йилдан бошланиб, у мамлакатни фаол демократик янгиллаш ва модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтиш давридир. Бу, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, ҳимояловчи сиёсий ва ижтимоий институтларнинг ролини оширишдир. Мазкур жараён давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, уларнинг фаолиятини устидан назоратни амалга оширишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш масалаларида айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган, халқ орасида чўқур илдизга эга бўлган мустақил, мустақам, барқарор, ихчам турли-туман фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳам Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти билан демократик жамият қуришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Халқнинг аъналар ва маданиятини ақс эттирувчи асрлар мобайнида шаклланган ўзини ўзи бошқариш таърифи замонавий демократик қадриятлар би-

лан уйғунлашиб бормоқда. Юртимизда қадимдан мавжуд бўлган маҳалла сингари ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли кишилар, оилалар ўртасида алоқаларнинг мустақамлиги ва ишончлиги, жамият қурилишида ижтимоий адолатли демократик тизимнинг тақомиллашувига хизмат қилаётган муҳим омилга айланди.

## Ривожланиш омиллари ва янгиланиш натижалари

Давлат ва жамият қурилиши бўйича мамлакатимиз Конституциясида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим асосларини назарда тутиб, бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруш тизимини изчил, босқичма-босқич ислоҳ қилиш ҳокимиятнинг кунчилиги, ихроия ва суд бўғинлари ўртасидаги мутаносиб ва барқарор тенгликни таъминламоқда, деб таъкидлаш учун барча асослар бор. Узокни кўзлаган сиёсат туфайли ваколатларнинг бир қисмини ҳокимиятнинг марказий органларидан ҳокимият ва бошқарушнинг маҳаллий органларига босқичма-босқич ўтказишга йўналтирилган, қабул қилинган ва қўшимча ишлаб чиқилган қонунчилик ҳамда ҳуқуққа доир ҳужжатлар босқичма-босқич бир тизимга солинмоқда.

Бундан ташқари, энг муҳим қарорларни қабул қилишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсири кескин кучайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқаруви ва мамлакатни модернизация қилишни янгиллаш ҳамда янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида изчил боришда яна бир муҳим қадамдир.

Парламентаризмни ривожлантириш мамлакатни демократлаштириш жараёнининг яна бир таркибий қисми бўлди. 2005 йилдан маҳаллий ҳокимиятнинг икки палатали тизимга

ўтиши Ўзбекистон парламенти раёқнинг яққол натижасидир. Ҳозирги вақтда Қонунчилик палатасида тўртта сиёсий партия ўз фракциялари, жойларда эса депутатлик гуруҳлари орқали фаолият юритмоқда. Маҳаллий сайлов тизимлари (хаммаси бўлиб 14 та субъект) вакиллик органи бўлган мамлакат парламентининг юқори палатаси — Сенатнинг шакллантирилиши қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрларини тайёрлаш ҳамда қабул қилишда аҳолининг иштирок этиши имкониятларини кенгайтириб юборди.

Жамият сиёсий ҳаётда демократик асосдаги эркин сайловлар муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада сайлов тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ўзгаришлар, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Концепция ушбу йўналишда Конституцияда белгиланган қўйилган қондаларни янада ривожлантирди.

Асосий қонунимизда кўзда тутилган жамият ва давлат қурилиши тизими ривожланишининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири аҳоли ҳуқуқ ва бурчларининг изчил мустақамлиги бўрилиши, кишиларни жалб қилиш ва шу орқали уларнинг сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллигини оширишдир. Бу эса халқнинг аънавий маданияти ва менталитети, унинг маънавий юксалиши мамлакатнинг демократик тараққиёти ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Изчил, тизимли, узвий ислохот

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ислохотлар ва модернизация стратегиясини изчил амалга ошириш давлат ва жамият қурилишининг янги тизими шаклланишига олиб келди. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётни модернизациялаш, бир томондан, илғор мамлакатлар таърибасини ҳаётга татбиқ қилишга имкон бериб, айни вақтда халқимизнинг миллий, маънавий ва ахлоқий қадриятларининг янада тақомиллашуви учун кенг

имконият яратди. Бу амалга оширилган ислохотларнинг тизимлилиги, изчиллиги ва узвий боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Ушбу қонунийлик тамойили Президентимиз Ислоҳ Қарорининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари" китобида аниқ баён этилганини таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимизда айнан ана шу қонунийлик асосида танлаб олинган йўлнинг тўғрилиги жаҳон молиявий инқирози шароитида бошқарув ва ҳужалик юритиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишига имкон яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табригида таъкидланганидек, "Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга оширилган ислохотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи таъкидлаб бермоқда".

Дарҳақиқат, жамиятимиз Конституцияда мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллигига садоқат, ҳозирги ва келгуси авлодлар олдига юксак жавобгарлик, халқнинг тарихий таърибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолат гоъларига содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига амал қилиш, республикамиз фуқароларига муносиб ҳаётни таъминлаш сингари ижтимоий тараққиётнинг асосий тамойилларини амалга оширишнинг айнан шу йўлидан бормоқда.

Бугун барчамиз англаётган ҳақиқат шундай. Хулоса қилиш мумкинки, кеча амалга оширилган ишлар натижаси бугун яққол қуринаяпти. Бугунги амалга оширилган сай-ҳаракатлар эса эртага албатта ўз самарасини беради. Ана шу жараёнда Асосий қонунимиз асосида жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш, бу борадаги долзарб вазифаларни бажаришда барчамизнинг масъуллимиз охиби бориши лозимлиги ҳаётий заруратга айланди.

Қўямиддин НАЗАРОВ,  
фалсафа фанлари доктори.

## ҲУҚУҚ

### Шартномани бажариш — фарз

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими асосан ҳужалик юритувчи субъектларга шартномаларни тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустақамлаш вазифаларини амалга оширади. Вазирлиқнинг 2009 йилда тасдиқланган иш режасига асосан ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган шартномаларнинг, ташқи ва ички шартномаларнинг қонуний тузилиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, аниқланган камчиликлар, шартнома интизоми бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш, шунингдек, амалий ёрдам бериш бўйича мониторинг ўтказилиб, ҳужалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Шартнома шартларини бажармаётган корхоналар раҳбарлига интизомий чоралар қўйилапти. Хусусан, Қўнғирот туманида жойлашган "Мырзагелди шекти" фермер ҳужалиги бошлиғи Т.Усенов "Агроинтехника" МТП томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, "Мырзагелди шекти" фермер ҳужалиги билан "Агроинтехника" МТП ўртасида 2009 йил 19 май кунини қўйиб сотиб олиш учун 19-сонли шартнома тузилган. Фермер ҳужалиги томонидан 2009 йил 20 май кунини шартнома асосан "Агроинтехника" МТП ҳисоб рақамига тегишли маблағ ўтказиб берилган. Аммо шартномада кўзда тутилган мажбуриятни "Агроинтехника" МТП ўз вақтида бажармаган.

Мазкур ҳолат бўйича "Агроинтехника" МТПдан "Мырзагелди шекти" фермер ҳужалигига комбайн олиб бериш ва устама ундириш тўғрисида 2009 йил 10 октябрь кунини Қорақалпоғистон Республикаси Ҳужалик судига даъво аризаси киритилиб суднинг 2009 йил 6 ноябрь кундаги қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Ж.ИДИЯТУЛЛАЕВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи.

## ОГОҲЛИК

### Ёнғинга қарши тадбирлар

Ёшларни, айниқса, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда таълим олаётган ўқувчиларни ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишга ўргатиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Негаки аксарият ҳолатларда келиб чиқаётган ёнғинларнинг бош сабабчиси ёш болалар бўлапти. Ёнғин ачинарлиси эса бу ҳолатдан азият чекаётганлар ҳам айнан норасида болалардир.

Ҳамза туман ИИБ ЁХБ ходимлари жорий йилнинг ўтган даврида бу борада режалаштирилган бир қанча тадбирларни амалга оширди. Хусусан, туман муҳандис-инспекторлари томонидан ҳозирга қадар 29 та мактабда, 46 та мактабгача таълим муассасида, 1 та олий ҳамда 6 та касб-хунар коллежида ўқувчи ёшлар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларга ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ёшларга бу борада сабоқлар берилди. Бундан ташқари 6 та даволаш муассасида, 53 та маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашувлар ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда ўқитувчи ва тарбиячилар, талаба ҳамда ўқувчилар билан амалий ўқув машғулотлар ўтказилгани, мунтазам равишда олиб борилаётган тарғибот ишлари натижаси ўларок туманда фуқаролар жони ва мол-мулкига таҳдид соладиган ёнғинларнинг нисбатан камайишига эришилмоқда.

Анвар ЗИЯБЕКОВ,  
Ҳамза туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори.



## O'ZSANOATQURILISHBANK

мамлакатимиз аҳолисини, шунингдек, ўзининг барча мижозлари ҳамда ҳамкорларини умумхалқ байрами

8 ДЕКАБРЬ — МУСТАҚИЛ

МАМЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ қабул қилинганининг 17 ЙИЛЛИГИ билан самимий табриқлайди.

Конституциямиз шарофати билан юртимиз фуқаролари ирқи, дини, миллати ва жинсидан қатъи назар тенг ҳуқуқга эга. Жамиятда қонун устуворлиги таъминланди. Бу эса эртанги кунга ишонч ҳиссини янада ошириши шубҳасиз.

Байрамнингиз кутлуг бўлсин, азиз юртдошлар!

Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

## Миллий банк: ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ИНВЕСТИОР

Қимматли қоғозлар бозори молия бозорининг бир қисми бўлиб, у банк кредитлари бозорини ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий ривожлангани сойин, унинг реал секторига молиявий ресурсларни жалб этиш борасидаги оғирлик маркази банк кредитларидан қимматли қоғозлар бозорига ўтади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз раҳбариятининг иқтисодий сиёсати фонд бозорини ривожлантиришга ҳамда кенг доирадаги инвесторларни унга жалб этишга қаратилган. Юртимиз тижорат банклари шундай бозорнинг фаол иштирокчиларига бўлиб қолмасдан, айни пайтда бозор инфратузилмасини шакллантириш борасидаги вазифаларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳақи равишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

**Қ**имматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида, Ўзбекистоннинг бошқа молия муассасалари билан биргаликда «Элсис-Савдо» биржадан ташқари савдо электрон тизимини яратган. «Элсис-Савдо» ҳозирги кунда иккиламчи бозорда акциядорлик жамиятларининг акциялари билан савдо электрон тизимидан ўз савдо майдончасига ағалигини ҳисобга олиб, Миллий банк билан «Элсис-Савдо» ўртасида биргаликда ишлаш тўғрисида тузилган шартнома асосида янги дастурий маҳсулотларга таянган ҳолда фаолият кўрсатган буюртма номалар қабул қилиш пунктлари тармоғини ташкил этиш ишлари олиб бориляпти.

Банк бўлимларида очилган бундай пунктлар орқали қимматли қоғозлар сотиб олинishi-сотилишини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у олди-сотида ташкил этилишини қулайлаштирибгина қолмасдан, айни пайтда қимматли қоғозлар ағалиги тақдирини қўлайлаштиради. Банк маҳсулотларидан ўзлари учун энг манfaatлисини танлаш имконини ҳам беради. Хусусан, бунда миқдор ўз маблағларини банк депозитларига қўйиши, қимматли қоғозларга қўйилмаган билан боғлиқ ва бошқа хизматлардан фойдаланиши, шунингдек, шу ернинг ўзиде ҳаммағмаларини бошқа банк маҳсулотига йўналтириши мумкин.

Банкнинг инвестиция сиёсати қимматли қоғозлар ва мамлакат корхоналарининг устав сармоясига улуши иштирокчи инвестицияларни амалга оширишда фаолият миқдорларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир қаторда асосий мезон сифатида фонд портфелининг даромадлиги таъминланганини кўзда тутди. Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Миллий банкнинг шундай жами қўйилмалари 349,6 млрд. сўмини ташкил этди. 2009 йил 1 январда эса бу кўрсаткич 39,4 млрд. сўм эди. Йил бошидан буюн банкнинг инвестиция портфели ўсиши 310,2 млрд. сўмини ташкил қилди.

Миллий банк қимматли қоғозлар бозорига брокерлик, андеррайтинг, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар портфелларини шакллантириш, банкнинг ўз қимматли қоғозларини чиқариш каби хилма-хил хизматларни тақдим этмоқда. Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 726-сон қарорига белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ мақсадли ишларни амалга оширяпти.



қайта жиҳозлаш, улар ташқи ва ички бозорларда рақобатлаша оладиган махсулот ишлаб чиқаришини ташкил этиш юзасидан инвестицион мажбуриятларни олганлиги минакта иқтисодиётини янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда санаят корхоналари дуч келаётган асосий муаммолар кўп жиҳатдан ўзаро бир-бирига ўхшашдир. Хусусан, менежмент даражаси пастлиги, корхонада тегишли асосий фондларнинг сифати ва самарадорлиги ҳисобга олинмасдан уларнинг қиймати мунтазам равишда оширилаётганилиги, айланма маблағлар етишмаслиги ва тўлов интизоми бузилиши оқибатида корхоналар бир-бирларидан қарздор бўлиб қолишлари шундай муаммолардан ҳисобланади.

Корхоналарни реструктуризациялаш уларни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришнинг энг самарали ва пухта усулидир. Бу усул ишлаб чиқаришни ташкил этиш тақдимотида иштирокчи, қувватлар реструктуризациялашини, чиқарилаётган махсулот турлари тақомиллаштирилишини, барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш мақсадида ташқи ва ички инвестициялар жалб этилишини кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли Фармони, шунингдек, 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сон Фармойишини тўлиқ бажариш мақсадида Миллий банк томонидан иқтисодий жиҳатдан ночор аҳолга тушиб қолган бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулкни банк балансида қабул қилиш борасида аниқ мақсадли иш олиб бориляпти.

Ҳозирги кунда банк томонидан 28 та ана шундай иқтисодий ночор корхонанинг умумий қиймати 241 млрд. сўм бўлган мол-мулк баланси қабул қилинган. Қарздор корхоналарнинг қабул қилинган мулк негизида 23 та янги хўжалик юритувчи субъект ташкил этилди. Янги ташкил этилган корхоналар уларнинг иш қобилиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида Миллий банкнинг «NBU INVESTMENT» ОАЖ ва «NBU Invest Group» шўъба инвестиция компанияларига бошқариш учун берилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2009 йил 1 ноябрдаги ҳолатга кўра, бу корхоналарда ишлаб чиқариш тикланди, 25,9 млрд. сўмлик махсулот тайёрланди, 12,8 млн. АҚШ доллари қийматдаги махсулот экспорт қилинди, 3406 та иш жойи яратилди.

«Чиноз тўқимачи» Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонаси негизда ташкил этилган ва «NBU Invest Group» шўъба инвестиция компаниясига бошқариш учун топширилган «Chinoz Textile» МЧЖ ҳам шундай корхоналардан биридир. Банк ҳозирнинг ўзидеақ бу корхонага 3,2 млрд. сўм йўналтирган. Ўз

вақтида келиб тушган инвестициялар Япония ва АҚШдан келтирилган юксак технологияли ускуналар билан жиҳозланган бу корхона пахта толасидан ип ва ип газлама ишлаб чиқариш имконини берди, натижада 500 та иш ўрни сақлаб қолинди.

Кашқадарё вилоятидаги энг катта тўқимачилик корхоналаридан бири — «Oqsagoy Textile» МЧЖ «NBU Investment» шўъба инвестиция компаниясига бошқариш учун берилган эди. Мамлакат бозоридеаги энг катта инвестор ҳисобланган Миллий банк «Oqsagoy тўқимачи» Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонаси негизда ташкил этилган ушбу ишлаб чиқаришга 2 млрд. сўмдан зиёд маблағни йўналтирди. Пировадидеа ишлаб чиқаришнинг тикланиши 600 та иш ўрни сақлаб қолиш ҳамда истеъмолчилар орасида катта талабга эга ва жажон бозоридеа рақобатлаша олувчи махсулот тайёрлаш имкониятини яратди.

Яна бир тўқимачилик корхонаси — «VODIY IPAGI» Наманган шаҳридаги икки корхона — «Атлас» АЖ ва «Силк Род» КК негизда ташкил этилган. «VODIY IPAGI» МЧЖнинг устав сармояси 5,95 млрд. сўмни ташкил этади. Янги ташкил қилинган корхонага ҳозирнинг ўзидеақ қарийб 3,3 млрд. сўм йўналтирилди.

Корхонанинг вазифаси — юқори сифатли ипак ишлаб чиқариш. Қолаверса, ҳозирги кунда у Европадаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг юқори технологияли замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган. Вилоятдаги энг катта ишлаб чиқаришлардан бири тикланиши натижасида 850 кишини иш жойлари билан таъминлаш имконини берди.

«Хива карпет» КК негизда устав сармояси тўлаткичи Миллий банк маблағлари ҳисобидан шакллантирилган янги корхона — «Хоразм гиламлари» ташкил этилди. Бу ерда ҳозир 453 киши меҳнат қилмоқда.

Банкнинг «NBU Investment» шўъба инвестиция компаниясига бошқариш учун берилган поштаимиздаги «Азия Бискивит» МЧЖ ҳам муваффақиятли инвестициялашга мисол бўла олади. Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган ушбу корхонанинг вазифаси қандалатчилик маҳсулотлари тайёрлашдан иборат. Қайта тикланган ишлаб чиқаришнинг қувватлари ошмоқда, чиқилар тайёрлаш линияси йўлга қўйилди, вафли ва шоколад қиёми тайёрлаш ускунаси ўрнатилди. Ишловчилар сони икки баравар кўпайди.

Янги корхоналар устав сармоясининг 100 фоизи «Ўзбекистон» иштирокида шакллантирилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда корхоналар ўзларининг мустақам маъқеларини эгаллаш жараёнидаги биринчи босқичдан ўтмоқда. Корхоналарни «Ўзбекистон» балансида олиш ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган қарордир. Бу тадбир натижасида корхоналар ўз кадрларини сақлаб қолди, замонавий ишлаб чиқариш линияларига қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган махсулот тайёрланапти, маҳаллий иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг хизматларидан фойдаланилмоқда.

Шу тариха банкнинг ички инвестициялари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланиб бораёпти.

**ТИФ Миллий банкнинг матбуот хизмати**


### Антиқа товарлар савдоси

Комбоджа полицияси яқинда икки тонна экзотик жониворларни Вьетнамга жўнатишга уринган икки шахсни қамоққа олди. Уларнинг бири 17, иккинчиси 20 ёшда. Қўлга тушган юк ичидеа 1665 килограмм илон ва умумий оғирлиги 317 килограмм бўлган 263 та тошбақа бор.

Associated Press хабаридеа айтилишича, тошбақа ва илонлар Комбоджада жуда кам учрайди ва уларни овлаш тақиқланган. Қўлга олинган шахслар юқнинг бир қисми Таиланддан келтирилган ва қолган қисми шу ерда овланганини тан олди. Юк Вьетнамдан Хитойга жўнатилиши лозим бўлган. Чунки Хитойда бу нарсларга талаб катта. Тортиб олинган илон, тошбақа ва бошқа жониворлар қўйиб юборилди.

### Олтиннинг баҳоси ошмоқда

Пайшанба кун деа бўлиб ўтган савдода бир унция олтиннинг баҳоси 1226 АҚШ долларини ташкил этди. Бир кунда унинг нархи 15 долларга қимматлашди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, олтин баҳосининг ошишига долларнинг қадрсизланиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Сўнгги савдоларда евро баҳоси долларга нисбатан 0,75 центга қимматлашди.




Бундан ташқари бир неча давлатларнинг марказий банклари олтин сотиб олишни кўпайтирди. Масалан, жорий йилнинг ноябрь ойида Хиндистон ХВФ дан 200 тонна қўлматх металл сотиб олди. Авалқир ХВФ сотувга қўйган 400 тонна тиллонинг ҳаммасини Хитой сотиб олади, деган хабар айтилган.

Жажон иқтисодий бўҳрони бошланган пайтда олтиннинг баҳоси бироз арзонлашган бўлса-деа, кейин яна кўтарилиб кетди.

### Велосипед ҳам ҳайдай олмайди

24 ёшли германиялик талаба Кристофер Хан 15 йил барча транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Bild газетасининг ёзишича, у велосипедни маст ҳолатда бошқаргани учун шундай жазога тортилган.

2008 йилнинг июнь ойида у маст ҳолда велосипедга келаётганда полиция томонидан тўхтатилди. Текширув чоғида унинг спиртли ичимлик ичгани аниқланади ва шу ернинг ўзидеа 500 евро жарима тўлайди. Жорий йилнинг март ойида Ханнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини текшириш учун ҳайдовчилик тиббий



комиссияга қақришади. Текширув учун 500 евро тўлаш керак эди. Шунинг учун талаба бу текширувга бормасликка қарор қилди. У иккинчи марта бошини рад этгандан сўнг, суд уни 2024 йилгача барча транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

### Могадишуда портлаш

Сомали пойтахти Могадиш шаҳрида террорчилик амалга оширилди. Пойтахтдаги «Шамо» меҳмонхонасида тиббиёт, муҳандис ва компьютер технологияси мутахассисларига диплом топширилаётган пайтда портлаш содир бўлди. Натижада тиббиёт, таълим ва олий таълим вазирлари, шунингдек, яна олти нафар киши ҳаётдан кўз юмди.

Сомали ҳуқумати террорчиларга қарши самарали кураш олиб бораётган бўлса-деа, кейинги йилларда терактлар сони кўпайиб бормоқда. Сўнгги йилларда йилда мамлакатда вазиет нотинччилигига қолмоқда.

### Эмбаргони бузишда айбланмоқда


Эронлик Амир Ардебели АҚШдан Эронга ҳарбий қурооларни жўнатишда айбланиб, суд қилинмоқда. France Presse тарқатган хабарга кўра, у 14 марта қурол жўнатилишини ташкил этган ва Эронга нисбатан эълон қилинган эмбаргони бузган.

Амир Ардебели 2007 йили Марказий Осиёдаги давлатлардан бирида ўтказилган махсус амалиёт чоғида қўлга олинган ва АҚШга топширилган эди. У судда айбини тан олди. Маълумотларга қараганда, Амир 2004 йилдан буюн Эронга бир миллион долларлик қурол-аслаҳа жўнатиш. Суд декабрь охиригача унга нисбатан ҳукм чиқариши керак. Бельгия

фуқароси Жак Месье ҳам худди шу айб билан ўтган ойда Нью-Йоркда қамоққа олинди. У Амир Ардебели билан биргаликда АҚШдан Эронга F-5 қирувчи ва C-130 юк самолётлари учун мотор жўнатиш бўйича шартнома тузган. АҚШ ҳуқуқ-тартибот органлари унга нисбатан ҳам айблов эълон қилди.

### Йиғилиш Эверестда бўлади

Непал Вазирлар Маҳкамаси навбатдаги йиғилишини Эверестда ўтказмоқчи. Шу мақсадда 23 нафар ҳуқумат аъзоси кеча 2800 метр баландда жойлашган Лукла шаҳрига учи келди. Энди улар вертолёт ёрдамида 5250 метр баландликка кўтарилишади.



Непал Вазирлар Маҳкамаси кейинги ҳафта Копенгагенда бошланган экологияга бағишланган конференцияга шу йўл билан муносабат билдирмоқчи. Шунингдек, Ҳимолайда музлар эриб кетаётганига жажон афкор оммаси эътиборини қаратмоқчи.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, музларнинг эриши туфайли тоғ ён бағирларида жойлашган ўнлаб аҳоли пунктлари сув остидеа қолиши мумкин.

### Бўрини овлаш мумкин

Швеция ҳуқумати 45 йилдан сўнг овчиларга яна бўриларни овлашга рухсат бермоқчи. Декабрь ойи ўрта-ларидеа бу масалани ҳуқумат аъзолари муҳокама қилади. Экспертларнинг ҳулосасига қараганда, йил давомида 20 тадан 40 тагача бўрини овлашга рухсат берилиши мумкин.



Швеция парламенти жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган йиғилишида мамлакатдаги бўрилар сони 210 тадан оширилганлиги тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бўриларнинг уй ва ёввойи ҳайвонларга тез-тез ҳужум қилаётгани туфайли шундай қарорга келинди. Швецияда ўтган асрнинг 70-йилларида бўрилар йўқ бўлиб кетиш арасида эди. Шунинг учун уларни овлаш тақиқлаб қўйилган эди. Ҳозир мамлакатда тахминан 220 та бўри бор.

### Гумондорларнинг фотороботи тайёр

Москва — Санкт-Петербургда йўналиши бўйича қатновчи «Нева экспресс» поездини портлатишда қатнашган 4 нафар гумондорнинг фотороботи тайёрланиб, кеча телевидение орқали намойиш қилинди. 30 ноябрь кун икки гумондорнинг фотороботи эълон қилинганди. Дастлабки маълумотларга қараганда, гумондорларнинг бири аёл бўлган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари улардан бирининг исми Аҳмад эканини аниқлашга муваффақ бўлди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 27 ноябрь кун «Нева экспресс» поездининг портлаши натижасида 27 йўловчи ҳалок бўлган, 90 нафардан ортиқ йўловчи жароҳатланган эди.

### Сув тошқини туфайли

Бир неча кундирки, Саудия Арабистонида тинмасдан ёққан ёмғир туфайли сув тошқинлари содир бўлмоқда. Аввал ушбу табиий офат туфайли 48 нафар киши, жумладан, Жидда шаҳрида 44 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳақиқда хабар тарқатилган эди. Аммо ўз номини айтишни истамаган ҳуқумат вакили АР муҳбирига ҳалок бўлганлар сони 108 нафарга етганини айтган.

Расмий маълумотларга қараганда, сув тошқини туфайли 900 киши ҳавфсиз жойларга кўчирилган эди.

### Йўлдош ахборот йиғади

Япониянинг Танэгасима оролидаги космодромдан Н-2 ракетаси жоусу-йўлдош билан самога учирилди. Associated Press хабарига қараганда, парвоз муваффақиятли амалга ошган. Йўлдош мудофعا ва дипломатик мақсадлар учун ахборот йиғиш билан шуғулланади. У космосда беш йил фаолият кўсатади. Ҳозир космосда Япониянинг шундай жоусу-йўлдошлари ишлаб турибди. Уларнинг иқтисоди 2003 йилда самога чиқарилган эди.

### ДАРАКЛАР

Японияда яқин вақтга ҳарбий мақсадлар учун космик дастурлардан фойдаланиш тақиқланганди. Утган йили кунчиқар мамлакат парламенти бу тақиқни бекор қилди.

### Гилад Шалит тақдир

Исроил ҳуқумати капрал Гилад Шалитни мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган ва турли муддатларга ҳукм қилинган 20 нафар Фаластин аскарига алмаштиришга розилик берди. ХАМАС ҳаракати вакиллари эса Гилад Шалит учун 70 нафар жангарини озод қилишни талаб қилмоқда. Лондонда нашр этиладиган «Ал-Ҳаят» газетасининг ёзишича Исроил ХАМАСнинг 50 нафар жангаринини ҳар қандай шартда ҳам озод қилмоқчи эмас.

Исроил расмийлари бир неча марта Гилад Шалитнинг қаерда эканини билиши ҳақида баёнот беришган бўлса-деа, бирор марта ҳам гапларини расман тасдиқламади. Жорий йилнинг сентябрь ойида капралнинг тириклигини исботловчи видеокассетани олиш учун 20 нафар фаластинлик аёлларни қамоқдан озод қилишга мажбур бўлишди.

### Қариндошларини отгани учун

Флорида штати ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари ўзининг тўртта қариндошини ўлдирдишда гумон қилинаётган 35 ёшли эркекни қидирмоқда. Associated Press хабаридеа айтилишича, жиноятда гумон қилинаётган шахс уч нафар киши ва бир болани ўлдирган, яна бир кишига тан жароҳати етказган.

Гумондор шахс майамилик Пол Майкл Мериж бўлиб, у ўтган кун тунда Майами яқинидаги Жупитер шаҳарчасида тўрт кишини отиб ташлаган. Аслида тадбирда 17 киши қатнашган. Гумондор қайси қуролдан фойдаланган ва нима учун бу жиноятга қўл ургани ҳозирча номаълум.

### ЕИ ёрдам бермоқчи

Европа Иттифоқи Молдова учун эркин иқтисодий ҳудуд барпо этишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда ЕИнинг ташқи алоқар буйича комиссари Бенита Ферреро-Вальднер баёнот берди. Унинг таъкидлашича бунинг учун ҳуқумат миллий иқтисодида ислохотлар олиб бориши керак.

Комиссар Молдова эркин ҳудуди қандай статусга эга бўлиши ҳақида айтилмади. У шунингдек, Молдовада бугун ислохот ўтказиш учун катта маблағ кераклигини таъкидлади. Moldpres газетасининг ёзишича, комиссар Молдова бюджетини қўллаб-қувватлаш учун 26,1 миллион евро миқдоридеа ёрдам беришга ваъда берган.

Мамлакат бош вазири Владимир Филат Молдова охири оқибатда ЕИга аъзо бўлишига умид билдирди.

### Иш ўринлари қисқаради

ThyssenKrupp Германиядаги энг йирик пўлат эритиш корпорацияларидан бири ҳисобланади. Жамоа яқин йиллар ичидеа дунёдаги заводларида меҳнат қилаётган 20 минг нафар ишчини бўшаётгани режалаштирмоқда. Корпорациянинг ижрочи директори Экенхард Шульцнинг таъкидлашича, жорий йилнинг 30 сентябрга қадар жамоада 187 минг нафар ишчи ишлар эди. Кейинги йилнинг шу даврига келиб улар сони 167 минг нафарни ташкил этади.



ThyssenKrupp 2008-2009 йиллари 2,36 миллиард евро (3,5 миллиард доллар) зарар билан яқунлапти. Европадаги энг ривожланган давлат Германияда 2009 йил якунида яқин икки маҳсулот ишлаб чиқариш 5 фоизга қисқариши, 2010 йилда эса бор-йўғи 1,2 фоизга ўсиши кутуляпти.

### Қурилиш ҳажми камаймоқда

Эстонияда жорий йилнинг учинчи чорағида 6,4 миллиард крон (610 миллион доллар)лик қурилиш ишлари бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 фоиз кам демақдир.

Dv.ee хабаридеа айтилишича, мамлакатда иккинчи катта бино бунёд этилиши учун юқоридеа келтирилган маблағнинг салкам ярми сарфланган. Давлат ер департаменти аввалроқ 2009 йилнинг иккинчи чорағида қурилиш ишлари 32 фоизга қисқаргани тўғрисида хабар берган эди. Қурилиш камайиб бораётган бўлса-деа, Эстонияда уй-жой баҳоси арзонлашиб бормоқда. 2008 йилнинг мартидан 2009 йилнинг мартигача кўчмас мулк баҳоси 16,2 фоизга арзонлашган.

### Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси томонидан «Тошкент иқтисодий коллежи» (ТНЖ)га 20.04.2004 йилда берилган реестр тартиб рақами 000176-09 №000176 сонли гувоҳнома шўқоқанлиги сабаби бекор қилинади.

Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган «ZAR-ZAM-ZAM» хусусий корхонаси номи ва мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. ИМН 300 930 844

## ТАДБИРКОРЛАРГА ТАЯНЧ БЎЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

### Очиқ акциядорлик тижорат “Турон банк”нинг Жиззах ва Сирдарё вилоят филиалларида бунга алоҳида эътибор қаратиляпти

Кейинги пайтда қишлоқ фаровонлиги, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмасини тубдан ўзгартириш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номлангани ва Давлат дастурининг ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа — қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер ҳўжаликларни ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат”.

Бозорларимизнинг тўкин-сочиллиги, аҳоли дастурхонининг бутлиги аввало, қишнинг аёзли, баҳорнинг серёгин, ёзнинг жасирата, кузнинг изғирини кулиларида ҳам даладан бери келмай, кунни тунга улаб меҳнат қилаётган бободехқонларимизнинг, қалби юрт истиқболига пайваста фермерларимизнинг фидойи меҳнатиغا, зиммасига юклатилган масъулиятни қай даражада уदдалай билишига боғлиқ. Шу босдан ҳам бугун қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Бу эътибор, мазкур қўллаб-қувватлашлар эса ишбўхад бўлса, мамлакатимиздаги молиявий муассасалар иштирокисиз бўлмайди.

Хусусан очик акциядорлик тижорат “Турон банк”нинг Жиззах филиали ҳам миқозлар ишончини қозонишга эришган нуфузли молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу банкнинг ўзига хос жиҳати замонавий молиявий технологияларни ўзидан муассасам этган хизмат турларининг, кредитлар сифатининг жаҳон андозалари даражасига етишида кўрилади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялашга йўналтирилган маблағлар салмоғи кескин ошиб бормоқда. Аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш, омонатчилар, акциядорлар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўларок, филиал миқозларининг сони кўпайиб, 665 тага етди. Уларнинг 141 таси кичик бизнес субъекти, 306 таси савдо ташкилоти, 49 таси эса қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти ҳисобланади.



Жамоамизнинг мақсади ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалаларни бажаришга йўналтирилган, — дейди филиал бошқарувчиси Рустам Абдураҳимов. — Бунинг учун бизда мустақкам моддий техник база ва малакали мутахассислардан иборат керакли барча имкониятлар мавжуд. Молия муассасамизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган фармонлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, биргина пластик карточкаларни олайлик. Айни пайтда филиал томонидан 6 минг 335 та пластик карточка муомалага киритилган бўлиб, улардан эмин-эркин фойдаланишни таъминлаш мақсадида жойларга 72 донна терминал ўрнатилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган пул айланмалари 2374,5 млн. сўмни ташкил қилапти. Шунингдек, банкда миқозларга қўлайликлар яратиш мақсадида битта Инфо киоск ўрнатилган. Пластик карточкаларга қўйилган маблағлар ўзгаларига йиллик 14 фоизли устама шаклда фойда келтираётгани ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг бу усулига қизиқишни тобора ортирмоқда. Шунингдек, мазкур замонавий хизмат турини янада такомиллаштириш мақсадида карточкалардан фойдаланувчиларга янада қўлайликлар яратишнинг самарали йўллари изланмоқда. Жумладан, аҳоли гавжум жойларда ҳамда ташкилот ва корхоналарда минн

банклар, махсус кассалар ҳамда шу йўналишда хизмат кўрсатиш кўлами оширилмоқда. Очик акциядорлик тижорат “Турон банк”нинг Жиззах филиали томонидан аҳолининг депозитларига жалб қилинаётган маблағлари ҳажминини кенгайтириш ва қолдиқлар миқдорининг камаймаслигини таъминлаб бориш мақсадида миллий валютада “Омад қувончи”, “Ипотек”, “Ёш оила”, “Совга”, “Кафолат”, “Нуроний”, “Имконият”, “Хамкорлик”, “Сармоя Плюс”, “Барҳаёт”, “Шодиена” ва хорижий валютада “Мерос”, “Универсал”, “Бонус Плюс” каби омонат турлари жорий қилинган.

Молиявий муассаса қошида 4 та халқаро пул ўтказмалар бўлими ташкил этилган бўлиб, жисмоний шахслар учун халқаро пул хўнотмалари амалиёти бўйича ҳам қўлай шартшароитлар яратилган. Айниқса, “Western Union”, “Быстрая почта”, “Contact”, “Золотая корона”, “Moneygram”, “Coinstar”, “Анелик” каби тизимлардан Ўзбекистон ҳудудига халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келаятган ва республикамиз ҳудудидан четга жўнатилаётган маблағлар миқдори 4966695 АҚШ долларини ташкил этган. Ана шундай кенг кўламли ва аҳоли учун қўлай тарзда яратилаётган амалий жараёнларни амалга оширишда тажрибали банк ходимларининг хизмати катта.

Банк филиалида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаб, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига кредитлар ажратилиши ҳам намунали йўлга қўйилган. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигига 488,1 миллион сўм, саноатга 682,3 миллион сўм, савдога 680,3 миллион сўм, иқтисодийнинг бошқа йўналишларига 316,2 миллион сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 81 миллион сўм кредит йўналтирилди. Банк кўмагидан фойда

ланиб, бугун ўз молиявий аҳолини яхшилаб олган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратмоқдалар. Масалан, жорий йилда “Астан Эгамбердиев” хусусий фирмаси раҳбари Астан Эгамбердиев гишт маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида хомашё ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 90 миллион сўм кредит олганди. Айни пайтда корхонада ишлар жадал кетмоқда. Тадбиркор ҳам, иш билан таъминланган ҳудуддаги аҳоли ҳам хурсанд.

Филиалда ҳукуматимизнинг 2008 йил 14 ноябрдаги “2009 йил учун қишлоқ ҳўжалиги техникасини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари ва реализацияси тўғрисида”ги қарорига асосан фермер ҳўжаликларига қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сотиб олишлари учун имтиёзли фоиз ставкалари асосида банк кредитлари молиялаштирилмоқда. Масалан, “Дўстлик” фермер ҳўжалигига 5 йил муддатта “Класс Доминатор” русумли доириш комбайни сотиб олиш учун 146 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Бундан ташқари, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳозирги кунга қадар банк томонидан пахта ҳосилини етиштиришга 399,2 миллион сўм, галла ҳосили етиштиришга 88,9 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Мини банклар фаолиятини ривожлантириш ҳам кун тартибидан турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Хусусан, банк филиали қошида 3 та Сирдарё, Оқолтин, Гулистон мини банклари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мини банкларда 321 та миқозга хизмат кўрсатилмоқда. Уларда 9 та ходим меҳнат қилаёпти ҳамда улар зарур бўлган ҳамма жиҳозлар, оргтехникалар билан таъминланган. Мазкур кичик молия муассасаларининг жами даромади 62,8 миллион сўмга етказилди.

Шундан соф фойда 17,9 миллион сўмни ташкил қилди.

Қимматбаҳо қоғозлар фаолиятини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар натижасида банк филиали устав капитали 42,7 миллион сўмни ташкил этиб, акциядорларнинг жами сони 373 тага етди. Кредитлаш амалиётлари бўйича рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, кредит қўйилмалари 4745,6 миллион сўмга етди. Президентимизнинг қарорига асосан вилоятда фаолият кўрсатаётган хусусий фирмалар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига жами 300 млн. сўмдан зиёд кредит суммаси ажратилди. Натижада доимий иш ўринлари яратилиб, 150 нафар одам иш билан таъминланди. Хусусан, Гулистон шаҳрида “Виктория Виктор” хусусий корхонасига алюминий ромларини ишлаб чиқариш учун 30 млн. сўм кредит берилди. Ҳозирги кунда корхонада 10 нафар ходим аҳолига сифатли алюминий ромларини тайёрлаб бормоқда. “Мирзачўл мўъжизаси” хусусий корхонасига аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги техникасини сотиб олиш учун ҳам бир қатор фермерларга имтиёзли равишда кредит маблағлари ажратилапти. Жумладан, шу мақсадда “Парда Она”, “Сирожидин Дўстбеков”, “Турғунбоев Номоз”, “Бектош”, “Жамшидбек Усмон” фермер ҳўжаликларига жами 200 млн. сўм кредит йўналтирилди. Хусусан, “Парда Она” фермер ҳўжалигига “ДТ-150” русумли занжирли трактор сотиб олиш учун 47 млн. 724 минг сўм кредит берилди. Ҳозирги кунда фермер ҳўжалигига 5 нафар киши доимий иш билан таъминланди. “Асл муваффақият” фермер ҳўжалигига ҳам аҳолига сўт маҳсулотини етказиб бериши учун 20 млн. сўм кредит ажратилган.

Бир сўз билан айтганда, очик акциядорлик “Турон банк”нинг Жиззах ва Сирдарё вилоят филиаллари ўз олдларига қўйилган режа ва вазифаларни оғишмай бажариб келмоқда. Бунинг натижаси ўларок, ҳудудда фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, уларнинг ялли ички маҳсулот тайёрлашдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Бу давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз бошчилигида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг натижаси десак, янглишмаймики, Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Кичик бизнес жамиятда ҳам иқтисодийта ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Бу янги иш ўринларидир”.

Аъзам ХўЖАКУЛОВ, “Hurriyat” мухбири. ®

## Ҳисоботлар электрон почта орқали

Бундан ҳатто 5-10 йил илгари солиқ ва молиявий ҳисоботлар туман давлат солиқ инспекцияларига интернет орқали жўнатилади дейишса, одамларнинг ажабланишлари табиий эди. Бугун эса бу янгилик кўплаб корхона ва ташкилотлар бухгалтерларини вақтларини тежаш билан мамнун қилаёпти.

Хўш, бу янги усулнинг афзалликлари нималардан иборат? Табиийки, мазкур виртуал технология узоқ синовлардан сўнг ўзининг қўлайликларини намён этгангина республикамизда жорий этилди. Солиқ инспекциясида ҳисобот топширувчиларнинг узундан-узоқ навбат кутишларига барҳам берилди. Шунингдек, ҳисоботларга сарфланадиган анча-мунча қоғоз тежалани ва корхона ҳисоб карточаси қай аҳволда эканини ишонининг ўзида туриб билиш мумкин, яъни ДСИга тайёрланган ҳисоботнинг тўри ёки нотўғрилиги, бюджет олдидан қарздорлик мавжудми ёки бу-

нинг аксими — барчаси компьютерда ўз аксини топади. Бундан ташқари корхона “режали текшириладиган субъект”лар рўйхати киритилганми, агар шундай бўлса, бу тадбир қачон бошланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилган бўлади. Яна бир гап: ҳисоботларнинг виртуал варианты ҳеч қайси корхона учун мажбурий эмас. Муҳими, бу хизмат учун умуман ҳақ тўланмайди.

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида бугунгача 150 дан зиёд юридик шахслар ҳисобот топширишнинг бу қўлай усулини танлаб бўдилар. Фақатгина июль ойида 97 солиқ тўловчи бу хизматдан фойдаланиш учун ариза билан мурожаат қилди. Мазкур янгиликнинг афзалликларидан фойдаланишни ихтиёр этганлар сони эса кун сайин эса кўпайиб бораёпти.

Ҳилола ИНОЯТОВА, Тошкент шаҳар Миробод туман ДСИ ходими.

**“Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси жамоаси**


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги билан азиз юртдошларимизни қизгин муборакбод этади. Бахтимиз Қомуси — ҳар биримизнинг порлоқ келажагимиз, ҳақ-ҳуқуқларимизнинг мустақкам кафолатидир.

**“Сурхонозиқовқатсаноат” ҳиссадорлик жамияти жамоаси**

барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллиги билан табриклайди. Барчага бахт-саодат, омад ва юртимиз порлоқ келажаги йўлида олиб бораётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.

Аъзам ХўЖАКУЛОВ, “Hurriyat” мухбири. ®

# МАЪНАВИЯТ



**Азиз юртдошлар!**

**Сизларни Конституция куни байрами билан табриклаймиз.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, кувонч, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизга ривож тилаймиз.**

## Инсоннинг ботиний дунёси

МУТОЛАА

*Шундай қалам соҳиблари борки, улар инсон руҳининг кўз илғамас кечинмаларини англай олади ва биз тушуниб етмаган қирраларни кўрсатиб бера олади. Қалби уйғоқ қалам соҳибаси, журналист Иқбол Қўшшаеванинг мақолаларини кўлдан бери кузатиб бораман. Унинг "Сукунат тугёнлари" китобини ўқиб, таассуротларимни ёзишга жазм этдим.*

Ушбу тўпламни ўқир эканман, аввало, биз учун замондош бўлган ижодкор ва санъаткорлар ҳақидаги хотираларим янгиланди. У ёки бу санъаткорнинг ижодидан завқланган пайтларимни эслатди. Аммо бу шунчаки эслаш эмас, муаллиф қаҳрамонларининг ички дунёсини, уларнинг ижодини самимий суҳбатлар орқали идрок этиб, қалб кўзгусида ифодалаб беради. Қалби инсон руҳининг кўз илғамас кечинмаларини сеза олгани ўқувчини ҳайратга солади. Айниқса, устоз Ойбекнинг нигоҳи орқали дардга айланган исёнлар учқунини, дунё телбаликларига ҳайратдан тикилганча қотиб қолган тийрак кўзларини қалбдан кўра олгани кишини безътибор қолдирмайди.

— Назаримда, — дейди муаллиф, — Ойбек кўзларида ҳали-ҳануз ҳаёт бордай. Яшашга, сўзлашга, ижод қилишга ҳаққи бордек туюлади.

Ойбекнинг ботиний дунёсини тушунишга ҳаракат қилган ўқувчини Ўзбекистон Марказий Давлат архиви ҳужжатларидан бири билан таништираркан, — буюк истездод эгаларига ҳамиша қийин бўлган, — дейди муаллиф. — Улар кўнглидаги безовталиққа на пул, на

мансаб, на унвону муқофотлар таскин бера олади.

Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносирова ҳақидаги туйғуларини эса тўпламнинг "Туйғулардан ҳофизга айланган кўнгли" бўлимида маҳорат билан тасвирлайди. Муаллиф бу икки шахс ўртасидаги соф муҳаббатни Ойбекнинг лирик шеърлари ва Зарифа опанинг кўлёмалари, "Ойбегим менинг" асари ҳамда ҳужжатлар асосида уларнинг ички кечинмаларини маҳорат билан тасвирлайди.

— Эътибор беринг, — дейди муаллиф, — Зарифа опа Ойбек билан учрашиб юрган вақтларида кундалигига шундай ёзганди: "...Оҳ, менинг кичкина дафтарчам, нелар гаплашганимизни ёзгим келмайди. Шу вақтга қадар қайси бир руҳий ҳолатимни, нозик туйғуларимни тўла ёза олдим?.. Буларни сақлайдиган дафтар — Қалбимнинг ўзи! Сен эса унинг кўланкасисан, холос".

Китобга киритилган мақолаларнинг бирида "Маҳобҳорат" видеофильмини газетхонларга юксак баҳдий ифодалар билан таҳлил этиб бергани қалбимизни ҳайратга солади.

— "Маҳобҳорат", — дейди муаллиф, — нафақат жанглар қиссаси, армонлар, хўрлик-

лар, қурбонликлар, катта йўқотишлар эвазига галаба қозongan Иймон қиссаси ҳамдир. Муаллиф бу асарда она меҳри улуғлигини кўрсатган лавҳага ўқувчининг нигоҳини қаратади: Дурёдон онасининг олдида туғилганида қандай бўлса, ўшандайлигича бориши керак эди. Лекин рўпарасидан чиқиб қолган Қришанинг гапларидан мулзам бўлган шахзода волидасининг олдида лунги (парда)да киради. Эрига бўлган эҳтиром боис, ўз ихтиёри билан бутун умрини зулматга маҳкум этган малика фарзанди рўпарасида туриб кўзидаги боғични ечганда она нигоҳидаги нурларнинг бари ўғлига ўтади. Фарзанд она муҳаббатини яхлит қилиб олади. Лекин унга она нигоҳи тушмай қолган жойи панд беради. Она меҳрига тўйинган фарзанд енгилмас бўлиши шу ерда кўрсатилган.

Асар муҳокамаси давомида муаллиф "Ортиқча гурур одамни тубанликка етаклайди. Қолаверса, қаердаки манфаат аралашса, ўша ерда Худо унутилади. Ва ҳамма муаммо шундан бошланади", деган ҳикматли сўзлар билан хулоса чиқарилади.

Ижодкор ва санъаткорларнинг ички кечинмаларини маҳорат билан баён этган "Сукунат тугёнлари" китоби барча китобхонлар учун, айниқса, бўлажак журналистлар учун фойдали мутолаа манбаи десак, муболага бўлмайди.

**Парида НУРМАТОВА,**  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.



## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**ОАЖ "Асака" банки жамоаси барча ҳамюртларимизни Бош Қомусимиз — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиги билан самимий табриклайди ҳамда куйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

### Миллий валютадаги омонат:

**1. "Конституция-2009".**  
Сақланиш муддати — 2 ой, омонат бўйича йиллик 29 % ҳисобланади.  
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

### Хорижий валютадаги омонатлар:

**1. "Стабильный" еврода.**  
Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8% ҳисобланади.  
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

**2. "Универсал" АКШ долларарида.**  
Сақланиш муддати 6 ой, омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.  
Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.  
Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

**Мурожаат учун:**  
**"Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:**  
**(8.371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Кўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Кашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

### СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи — ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Онам кўнглига ёқиб қолган аёлни "райхондайгина экан" деб таърифлаб кўярди. Хайрон қолардим, нега энди гулдай эмас, ойдаёй эмас, райхондай дейдилар деб. Бир кунни сўрадим. Шунда онажоним "Райхон жаннат гули болом, жаннатнинг беағи. Яхши аёл эса рўзорининг, ҳайнинг беағи. Шундайларни кўрсам жаннатни кўргандай қувонаман, шунинг учун шундай дейман-да" деди.

**Ю** муш билан Сирдарё вилоят тиббий диагностика марказига қадам кўйдим-у, у ерда озодлик, осойишталик, ходимларнинг хушмуомалалигига дуч келиб онамининг сўзларини эсладим. Бу ерда хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг ҳар бирига ҳавас қилса арзийди. Улар ўз юмушларини астойдил, кунт билан адо этардилар. Одамларга муомаласини айтмай-сизми?! Навбат кутиб ўтирган беморлар ҳам шундай таърифни билдиришди.

— Бу ерда ҳамиша шундай тартиб, — дейди бир аёл ёнидагисига, — жонингиз сира озор топмайди. Ҳаммалари ўз ишларини билиб қилишади. Дардингизга аниқ ташхис кўйиб беришади.

— Гапингиз тўғри, — шегрининг фикрини қувватлайди ҳамсуҳбат. — Мана мен иккинчи гуруҳ ногирониман. Йўлланма билан сизга бориб солигимни

## РАЙҲОН ИФОРИ

тиклаб тураман. Мавлуда Ҳамдамовна кўча-кўйда ҳўриб қолса ҳам доимо солигим билан қизиқади. "Саломатлигингизга эътиборсиз бўлманг" дейди. Мен у кишига кимман? Худди бир эгачисига қуюнгандай қуюнади.

— Мавлуда бебаҳо аёл, — суҳбатдошга яна жон кирди. — Уни вилоят шифохонасида педиатр бўлиб ишлаганида таниб қолганман. Кичкина ўғлим билан шифохонага тушганидан ўшанда. Мана шу дўхтир жонимга оро кирган. Тунда навбатчиликда турганида ҳам ҳаммадан хабар олиб юрарди. Ёш оналарга берган маслаҳатлари-чи. Ушанда жуда қизиқ бўлган. "Шикоят ва тақлифлар" дафтарига ўз миннатдорчилигини ёзиб қолдирмоқчи бўлдим. Дафтардаги бир онанинг ёзганларини ҳалиям эслайман. "Қизчам бутунлай соғайди. Ҳаммага раҳмат. Айниқса Мавлуда Ҳамдамовнага минг раҳмат. Энди қизимнинг исмини ўзгартирмоқчиман. Мавлуда деб атайман уни. Сизга ўхшашини жуда-жуда хоҳлайман, қандай бахтли онанинг қизисиз Мавлуда" деб ёзган экан.

Аёлларнинг суҳбатидан сўнг менда улар айтган шифокор билан учрашиш истаги туғилди. Хоналарини топдим. "Хали-бери киролайман-ов" деб ўйладим


навбат кутиб турганларни кўриб. Хато ўйлабман. Кутиб турганлар тез-тез кириб чиқдилар. Чехралари ёришиб чиқётганидан кўриниб турибдики, ишлари битган. Изн сўраб, ичкарига кирдим. Тўрдаги ўриндикда нурликкина аёл ўтирар, ниманидир ёзарди. У мендан олдин салом беришга улгурди. Опа билан бироз суҳбатлашиб, йўлакдаги аёлларнинг суҳбатини эслатдим.

— Шифокорнинг ёмон бўлишга ҳаққи йўқ. Агар шундай бўлса бу касбдан кетиши керак, — дейди у.

— Азалдан дангал гапирадиганларни кадрлайман. Опанинг бу хислати менга ёқди. Суҳбатимиз қизиди.

Мавлуда Абдураҳмонова ўттиз йиллик иш тажрибасига эга. Вилоят аҳолисининг саломатлиги йўлида унинг муносиб хиссаси бор. Айни пайтда вилоят тиббий диагностика марказида бош шифокор ўринбосари. Бу ерда кунига ўртача 180-250 киши тиббий кўриқдан ўтади. Марказ энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Тиббий кўриқдан ўтувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Кам таъминланган оилалар аъзолари, 1-, 2-гуруҳ ногиронлари тиббий кўриқдан бепул ўтказилади, зарур ҳолларда йўлланма билан сўхат-гоҳларга жўнатилади. Мавлуда Ҳамдамовна асли болалар шифокори эмасми, она ва

### ЗАМОНДОШ



бола саломатлигига ҳамиша эътибор бериб келади. "Келажак эгалари саломатлигига бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ" дейди катъий.

— Мавлуда опа бизга устоз, — дейди шифокор Онахон Отажонова, — қатъийликни, ўз устида тинмай изланишни, билимимизни ошириб боришни опадан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Ҳамширалар Зиёда Арабова, Дилором Ашуралиевалар ҳам Мавлуда Ҳамдамовна ҳақида ўзгача меҳр билан гапирди. Интизомли ва талабчан. Мана шу сўзлар бот-бот такрорланди. Боз устига ибратли оиланинг бекаси.

— Тиббиёт соҳаси аёл киши учун анча машаққатли. Навбатчиликлар, бундан ташқари сизнинг шифокорлигингизни билган кўни-кўшни, маҳалла-кўйдагилар ҳам маҳал-бемаҳал безовта қилиши бор. Мана шундай ҳолатларда турмуш ўртоғингизнинг муносабати қандай?

### МАВЛУДА ҲАМДАМОВНА ЖИЛМАЯДИ:

— У киши "Сенга ишониб мурожаат қилган ҳар бир одамга кўлингдан келганича ердан бер" дейди. Дарвоқе, турмуш ўртоғим Тожикул Бўронов ҳам шифокор. Касб масъулиятини яхши тушунади. Тақдир мени шундай умр йўлдошига дуч қилганидан мамнунман. Ишимда, оилада ҳамиша менга ҳамфикр, мададкор. Тиббиёт соҳасида ўқиган қизлар яхши билишади. Шифокорлик тинимсиз ўқиш авазига ўзлаштириладиган касб. Дипломни олгандан кейин ҳам малака ошириб боришга тўғри келади. Ана шундай қизлар турмушга чиқишганида онажонлари, қайноналари обр-разилроқ қилиб айтганда "бирга ўқишади". Онамдан, қайнонамдан миннатдорман. Бугун ўзим ҳам қайнонаман.

Кўринишидан гайрат ёғилиб турган бу аёл билан қанчалик хохламай суҳбатни давом эттиролмадим. Эшик ортида навбат кутиб турганлардан истихола қилиб гапни мухтасар қилдим.

Ташқарига чиқсам бирикки аёл кутиб турган экан. Мавлуда Абдураҳмоновалар оиласи Гулистон шаҳридаги "Аҳиллик" маҳалласида ўтказилган "Энг ибратли оила" кўрик-танловининг голиби бўлганини улардан эшитдим. Аёлни хонадон чирроғи, дейишади. Мавлуда опадек аёллар бор экан нафақат хонадонларимиз, шаҳар, қишлоқларимиз, балки бутун юртимиз ҳам нурларга чулғонаверди.

Маматкул БОЗОРБОВ


### ГОЛИБЛИККА ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўсмирлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси мусобақалари доирасида ўтказилган турнирда ўнга яқин мамлакатдан ташриф буюрган спортчилар қатнашмоқда. Улар сафида ҳамюртларимиз ҳам куч синашмоқда.

Яккалик баҳсларида вакилларимиздан икки нафари Артём Тарасов ва Незмат Шофайзиевлар кейинги босқичга йўллангани кўлга киритишди. Қолаверса, бу икки спортчимиз жуфтлик беллашувларини ҳам яхши бошлаб, дастлабки учрашувда зафар қозонишди.

Яна бир ҳамюртимиз Вера Твердикова кўпчилида яхши таассурот қолдирмоқда. Ун беш ёшли бу умидли спортчимиз қозонистонлик рақиб Динара Имажоновани 5:7, 6:4, 6:1 ҳисобида мағлуб этишга эришди.

### ФУТБОЛЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ



Қозон шаҳрининг "Рубин" футбол жамоасида Аргентинадан келиб тўп сураётган ҳужумчи Алехандро Домингес Россия футбол иттифоқи томонидан "2009 йилнинг энг яхши футболчиси" деб топилди. Жорий мавсумда ушбу йилни жамоасининг Россия чемпиони бўлишига муносиб хисса қўшиб, рақиблар дарвозасига 15 та гол уришга муваффақ бўлди.

"Рубин"нинг устози Қурбон Бердиев эса "Йилнинг энг яхши мураббийи" деб топилди. У ўтган йили ҳам ана шундай юксак эътиборга сазовор бўлган эди. Шунингдек, "Рубин" клуби "2009 йил-

### СПОРТ

даги энг яхши жамоа" унвонини ҳам қўлга киритди.

Бошқа номинациялар бўйича тақдирланганлар хусусида ҳам тўхталиб ўтас. Йилнинг энг яхши тўпурари соврини Москванинг "Спартак" клуби шарафини ҳимоя қилаётган бразилиялик футболчи Веллингтон топширилди. У якунига етган мавсумда 21 та голга муаллифлик қилган. Энг яхши дарвозабон деб ЦСКА жамоаси посбони Игорь Акинфеев тан олинди.


### УКРАИНА ТЕРМА ЖАМОАСИ ЖАРИМА ТўЛАЙДИ



ФИФА томонидан Украина футбол терма жамоаси 50 минг евро миқдоридagi жаримага тортилди. Бунга 2010 йилдаги жаҳон чемпионатида саралаш доирасида шу йил 10 октябрь кунини «Днепр-Арене» стадионида Англия терма жамоасига қарши кечган ўйин давомида мухлисларнинг тартибсизликлар келтириб чиқаргани сабаб бўлди. Бу ҳақда Украина футбол федерацияси биринчи вице-президенти Сергей Стороженко «Новый Мост» ахборот агентлигига берган интервьюсида айтиб ўтди.

— Мен ишқибозлардан тартибни сақлаган ҳолда ўйинларни томоша қилишларини илтимос қиламан, — дейди у. — Футбол — икки жамоанинг беллашуви. Унда кимдир галаба қозонади, кимдир ютқазади. Еки дуранг натижаси қайд этилади. Шундай экан, тўс-тўполон қилишга ҳеч қандай асос йўқ. ФИФА томонидан берилган ушбу жазо огоҳлантиришдир. Агар бу ҳолат такрорланарса жарима миқдори ошиб, жиддий чора қўрилади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.



## Очиқ акциядорлик-тижорат TURON BANK

жамоаси

барча шартшартларини

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

қабул қилинганнинг 17 йиллиги билан қутлайди.

Ўртимизда адолат ва қонун устуворлиги тантанани қилаётган ҳур

замонда халқимизга бахт-саодат, сўхат-саломатлик ёр бўлсин.

Ўтмишим боқим, келажакки буюк эллимизнинг жамлики эзгу орзу-

ниятлари ушалаверсин, осмонимиз халқимизга мусарфро бўлсин!



**HURRIYAT**  
HURRIYAT GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: яқса обуначилар ва тақшилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАКУЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДУСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЕ, Наним ҚАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуҷаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил ҚАРИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҚУЛОМОВ

Тахририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51  
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

### ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11  
Андижон — 8-374-250-90-39  
Бўхоро — 8-365-592-85-02  
Самарқанд — 8-366-233-62-12  
Тошкент — 8-370-383-97-53

Қашқадарь — 8-375-310-17-73  
Сирдарь — 8-372-366-99-21  
Сурхондарь — 8-376-370-12-01  
Фарғона — 8-373-225-80-58  
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.10

© — тижорат белгиси.

Адади: 9838 Булортма — Г-1126 1 2 3 5